УДК 910

ГАП СЕМАНТИКАСИ МАСАЛАСИ

Д.Ш.Эгамназарова

Тилнинг коммуникатив функцияси асосан гап орқали амалга оширилар экан, ҳозирги замон тилшунослиги олдида гап семантикаси ва унда коммуникатив тузилишнинг беқиёс ролини чуқур тадқиқ қилиш вазифаси турибди. Мақолада масала устида изланиш олиб борган тилшуносларнинг қарашлари баён этилади, гапнинг коммуникатив тузилиши ва унинг гап семантикасидаги аҳамияти очиб берилади. Гапни актуаллаштирувчи воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари тегишли мисоллар орқали таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *коммуникатив таркиб, гапнинг актуал бўлиниши, тема, рема, асос, ядро, психологик эга ва кесим, мантиқий урғу, интонация, сўз тартиби, коммуникатив динамизм.*

Коммуникативная функция языка осуществляется высказыванием, поэтому задача углубленного исследования семантики предложения и роли коммуникативной структуры высказывания является актуальной в современной лингвистике. В данной статье изложены взгляды лингвистов, проводивших исследование по данной проблеме, а также раскрывается коммуникативная структура предложения, его значимость в семантике предложения. Особенности средств актуального членения были проанализированы на соответствующих примерах.

Ключевые слова: *коммуникативный состав, актуальное членение предложения, тема, рема, основа, ядро, психологическое подлежащее и сказуемое, логическое ударение, интонация, порядок слов, коммуникативный динамизм.*

Гап фикр шаклланиши ва ифодаланишининг асосий воситаси бўлиб, бир сўзли тузилмалардан тортиб то мураккаб полипредикатив конструкцияларгача бўлган диапазонни эгалловчи жуда ҳам кенг қамровли тушунчадир [1. Б. 28].

Замонавий тилшуносликда гап семантикасининг турли ёндашувлар ва терминлар асосига қурилган талқинлари мавжуд. Бироқ гап семантикаси қандай талқин қилинишидан қатъий назар, икки омилдан, яъни гап ички (мазмуний/мантиқий) ва ташқи (синтактик) тузилишидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинади. Гап семантикасининг қандай функцияларни (ёхуд семантик ролларни) бажариши тўғрисида ҳам турли ёндашувлар мавжуд. Хусусан, В.В.Богданов гап семантикаси бажариши мумкин бўлган бир қатор функцияларни санаб ўтган. Бизнингча, мазкур таклиф этилган функциялар тизими, гарчи барча тиллар учун универсал бўла олмаса-да, анча кенг қамровли ҳисобланади [2. Б. 52 – 55].

1. **Агентив**. Иш-ҳаракат фаол ҳолатдаги шахс ёки предмет томонидан амалга оширилади: *And so they travelled across the country until they got to the banks of Mackenzie River* [3. Б. 8] */ Шундай қилиб, улар мамлакат бўйлаб то Маккензи дарёсига етиб келгунларига қадар кездилар.*

2. **Пациентив**. Жонли шахс ёки предмет иш-ҳаракат объекти сифатида қўлланилади: *He always reminds me of my poor Uncle Podger* [4. Б.12] */ У доим менга бечора Поджер тоғамни эслатар эди.*

3. **Бенефициатив**. Адресат ёки адресат томон йўналган иш-ҳаракат унинг фойдаси ёки зарарига ишлаш семантемасини бажарувчи функция: *We had planned to wake at 6.30, but, thanks to George, who was supposed to have woken us, we overslept until nearly nine o'clock* [4. Б. 21] */ Соат 6.30 да туришни режалаштирдик, бироқ бизни уйғотиб қўйиши керак бўлган Жоржнинг шарофати билан соат тахминан 9 да уйғондик.*

4. **Экспериенсив**. Жонли шахс ёки предметнинг қандай руҳий ёки жисмоний ҳолатда эканлигини кўрсатувчи, кесим билан ифодаланувчи семантема: *So he sat down and looked around as might the first man to land on Mars* [3. Б. 16] */ У ўтириб, худди Марсга қўнган биринчи инсондай атрофга аланглади.*

5**. Объектив**. Жонсиз предмет семантемаси иш-ҳаракатнинг объекти сифатида қўлланилиши: *He smelled the grass, looked at the trees and bushes and at the blue and green open space between them* [3. Б. 16] / *У майсани ҳидлар, мовий ва яшил кенглик узра дарахтлар, буталарни томоша қиларди.*

6. **Перцептив**. Жонли ёки жонсиз аргумент семантемаси руҳий ёки физиологик ҳолат объекти вазифасини ўтайди (Кузатувлар асосида шу хулосага келиндики, мазкур функция ақлий фаолият, ҳиссиёт ва сезгини ифодаловчи феъллар билан характерланади (инглиз тилидаги "stative verbs")): *Then we thought we were going to have supper, but*

George said that we had better get the canvas up first before it got quite dark, and while we could see what we were doing / Тушлик қиламиз деб ўйлаб тургандик, Жорж қоронғи тушмай, нима қилаётганимизни тиниқ кўриб турган чоғимиз чодирни тикиб олишимиз маъқуллигини айтиб қолди.

7. **Композитив**. Жонсиз предмет семантемасини модда, материал, таркибий қисм сифатида характерлайди: *Harris had the beefsteak pie between his knees and was cutting into it, and George and I were waiting with our plates ready* [3. Б. 47] / *Харрис гўштли пирогни тиззалари орасига қўйволиб, ушатар, Жорж иккаламиз эса тақсимчаларимизни ушлаб шай турардик.*

8. **Инструментатив**. Иш-ҳаракат қуроли сифатида қўлланилувчи предмет семантемасини ифодалайди: *Harris tried to open the tin with a pocketknife and broke the knife and cut himself badly. George tried with a pair of scissors, and the scissors flew up and nearly put his eye out. Then I tried to make a hole in the thing with the boat hook, and the hook slipped and threw me out of the boat into two feet of muddy water* [4. Б. 47] / *Харрис консервани чалабзар билан очишга ҳаракат қилдию, пичоғни синдириб, бармоғини кесди. Жорж эса қайчи билан очмоқчи бўлди: қайчи қўлидан учиб, кўзини чиқариб юборай деди. Навбат менга келганда қайиқ илгакчасини олдим – тешик ковламоқчи эдим, бироқ илгак қўлимдан сирпаниб чиқиб кетди ва мени қайиқдан икки фут чуқур лой сувга отиб юборди.*

9**. Медиатив**. Иш-ҳаракатни бажариш воситасини характерлайди: *He would go there by car if he wanted to/ Агар хоҳласа, машинада кетган бўларди.*

10. **Элементив**. Табиат ҳодисаларини ифодаловчи тушунчалар иш-ҳаракат бажарувчиси сифатида қўлланилади: *To make it worse, snow began to fall, making the way slippery and unsafe* [3. Б. 38] / *Аксига олиб, қор ёға бошлади, йўл сирпанчиқ ва хавфли бўлиб қолди.*

11. **Ономасиатив**. Шахс ёки предмет семантемасини атама, исм, ном ёхуд лақаб сифатида характерлайди. *'His fangs are white and so White Fang will be his name. I have spoken. Kiche is my dog and so is he.' And as he was speaking, he put a rope around their neck* [3. Б. 26] / *"Унинг сўйлоқ тишлари оқ экан, демак исми Оқ Сўйлоқ бўлсин. Гапим шу. Киче менинг итим, бу ҳам менга қарашли". У шундай дедию, итларнинг бўйнига арқон солди.*

12. **Локатив**. Ҳукм семантемаси маконни билдирувчи сўзлар билан ифодаланади: *They were going to the Indian camp, Kiche obediently following Gray Beaver, and White Fang doing the same* [3. Б. 26]/ *Улар ҳиндулар қароргоҳига йўл олишди, Киче Грей Биверни ортидан индамайгина эргашди, Оқ Сўйлоқ ҳам.*

13**. Дескриптив**. Предикат сифат, хусусиятни ифодаловчи тушунчалар билан тасвирланади: *He looked at the men around him and he realized they were stronger and more powerful than any live things he had ever seen* [3. Б. 30] / *У атрофидаги эркакларга қараб, ўзи кўрган мавжудотлар орасида энг кучлиси одамзод эканлигини англаб етди.*

14. **Результатив**. Предикат ифодалаган иш-ҳаракатдан келиб чиқувчи натижани билдирувчи семантема: *He put one half into his mouth while the other one he was, unbelievably, offering to White Fang. He accepted it gratefully* [3. Б. 40] */ У ярмини оғзига солди, қолган ярмини эса, во ажаб, Оқ Сўйлоққа узатди.*

Гапнинг семантик тузилиши қандай аспектлардан ташкил топганига келадиган бўлсак, умумий тилшуносликда асосан уч аспект таҳлил қилинади: пропозитив (номинатив, денотатив) аспект, яъни гап мазмунида ўз ифодасини топган объектив маъно, О.И.Москальская таърифи билан айтганда, гапнинг мазмуний маркази [5. Б. 30]. Масалан, *they woke up late* - **Улар кеч уйғонишди** жумласида пропозиция уларнинг кеч уйғониши ҳисобланади.

Модаллик ҳам ҳар қандай гап тузилишининг муҳим аспекти ҳисобланади, одатда сўзловчининг ифодаланаётган фикрга муносабатини билдирувчи семантик категория ёки сўзловчининг гап мазмунига бўлган муносабатини ифодалайди. Модаллик категорияси ҳар бир тилда турли тил воситалари тизимида ўз ифодасини топади. Умумий тилшуносликда модалликнинг икки хил тури таснифланади: объектив (ташқи) ва субъектив (ички) модаллик [6]. Объектив модаллик ҳар қандай фикр-мулоҳазада мавжуд бўлиб, феълнинг майл шакллари орқали ифода қилинади. Субъектив модаллик эса субъектнинг иш-ҳаракатга нисбатан муносабати доирасидан келиб чиқади. Г.А.Золотова ўзининг "О модальности предложения в русском языке" номли маърузасида модалликнинг бу икки турига тўхталар экан, шундай таъкидлайди: "Асосий модал маъно ёки объектив модаллик ҳар бир гапнинг зарурий конструктив белгиси ҳисобланса, кириш сўзлари билан ифодаланувчи субъектив модаллик унчалик ҳам зарур бўлмаган факультатив белгидир" [7. Б. 75]. Демак, субъектив ёки ички модаллик ҳар бир гапда ҳам мавжуд бўлавермайди, оптатив характерга эга, асосан, лексик воситалар (модал сўзлар, модал феъллар, юкламалар каби) ёрдамида ифодаланади.

Воқеликнинг реаллигини ифодаловчи модаллик жумладаги объектив ҳақиқатни билдиради,

субъект томонидан реал, ишончли факт сифатида қабул қилинади. Нореалликни ифодаловчи модаллик эса аксинча жумладаги объектив реалликка тўғри келмайди, субъект воқеликка нореал, яъни тахминий, тасаввурий, ёхуд исталган ва ҳ.к факт сифатида қарайди. Нореалликни ифодаловчи модаллик кўп тилшунослар, хусусан, Зайнуллин томонидан қуйидаги семантик турларга ажратилади [8. Б. 52 – 55]:

1) заруриятни ифодаловчи модаллик (дебитив);

2) иш-ҳаракатга қодирликни ифодаловчи модаллик (потенциал);

3) тахминни ифодаловчи модаллик (гипотетик);

4) буйруқ, ундовни ифодаловчи модаллик (императив);

5) истак-хоҳишни ифодаловчи модаллик (интенционал);

6) майлни ифодаловчи модаллик(оптатив).

Гап семантикасининг юқорида келтирилган пропозитив ва модаллик аспектларидан ташқари, яна бир жуда ҳам муҳим аспекти борки, бу унинг коммуникатив тузилишидир. Модомики, тил биринчи ўринда коммуникатив вазифани бажарар экан, мулоқотнинг асоси бўлмиш гапнинг коммуникатив аспекти бошқаларга қараганда муҳимроқ аҳамиятга эгадир. Агар ҳар қандай синтактик қурилма коммуникатив мақсадни акс эттирмаса, гап сифатида шакллана олмайди. Маълум берилган жумла муаллифнинг коммуникатив мақсадидан келиб чиққан ҳолда, турли информатив бўёқдорлик билан қўлланилиши ва турли коммуникатив вазифани бажариши мумкин. Масалан, *Jack is going to visit New York next Sunday (Жек келаси ҳафта дўстини кўргани бормоқчи)* жумласи олиб қаралса, контекстдан айро ҳолда ўзининг тўлиқ семантик аспектларига эга бўлган информатив қурилма деб қабул қилиниши мумкин. Бироқ контекст таркибида олиб қаралса ёки интонация ва сўз урғусининг жойлашувига кўра, мазкур гап вазиятдан ва сўзловчининг коммуникатив мақсадидан келиб чиқиб, турли мазмунда қўлланилиши мумкин. Мазкур жумланинг ўзбек тилига таржимаси таҳлил қилинса, қуйидаги коммуникатив парадигма ҳосил бўлади [Инглиз тилида сўз тартиби қатъий бўлганлиги сабаб, сўз тартибига мувофиқ коммуникатив парадигмани инверсия ёки эмфатик гапларсиз ҳосил қилиш мумкин эмас, шунинг учун мазкур мисолнинг ўзбек тилига таржимаси ҳавола этилмоқда]:

1. Жек келаси ҳафта Нью Йоркка ташриф буюрмоқчи.

2. Жек Нью Йоркка келаси ҳафта ташриф буюрмоқчи.

3. Нью Йоркка келаси ҳафта Жек ташриф буюрмоқчи.

Кўриниб турибдики, бир хил таркиб, пропозиция ва модаллик, бироқ сўз тартиби ва урғу воситасидагина фарқ қилувчи мазкур гаплар бир-биридан коммуникатив мақсадга кўра фарқланади. Биринчи кўринишда Жекнинг ***қаерга*** жўнаб кетганлиги, иккинчисида ***қачон*** жўнаб кетиши, учинчи гапда эса ***ким*** жўнаб кетиши ҳақида ахборот бериш бош коммуникатив вазифани бажармоқда. Берилган гапларнинг ҳар бири коммуникатив тузилишга кўра икки қисмга ажралмоқда. Биринчи қисм гапнинг бошланғич пункти бўлиб, одатда (доим ҳам эмас) тингловчи учун маълум ёки контекст ва вазиятга кўра аниқланиб олиниши мумкин бўлган қисм ҳисобланади. Иккинчи қисм эса бошланғич пункт тўғрисида адресатга янги, номаълум бўлган маълумотни бериш орқали асосий коммуникатив вазифани бажаради [9. Б. 7]. Тилшуносликда жумланинг мазкур икки коммуникатив қисмларга ажралиши тема ва рема (грек тилидан – **“thēma”**- “қўймоқ, ўрнатмоқ”, **“rhēma”** айтмоқ, демоқ” [10]) атамалари билан номланиши қабул қилинган. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, тилшунослик тарихида гапнинг коммуникатив компонентлари учун тема-рема тушунчалари ягона қабул қилинган терминлар эмас: тилшунослар томонидан турли хил бошқа атамалар ҳам илгари сурилган. Қуйида инглиз тилида берилган гап мисолида термин вариантлари келтирилади:

	Thomas	*saw them talking to each other*	
1	Психологик эга	Психологик кесим	Георг Фон де Габеленц [11]
2	Асос	Ядро	В.Матезиус [12]
3	Тема	Рема	М.Халлидей [13]
4	Тема/модус	Сабаб/диктум	Ш.Балли [14]
5	Аргумент	Функция	Х.Б.Шаллер [15]
6	Тема	Пропозитум	Л.Элекфи [15]
7	Топик	Коммент	Л.Дежё,Д.Сепе, Э.Даль [15]
8	Инхоатив	асосий қисм	С. Брассаи [3]
9	Семантик асос	Хабар	М.А.Кронгауз [15]
10	Асос	Предикацияланувчи қисм	И.Распопов [16]

11	Маълум	Янги	К.Крушельницкая [17]
12	Мантиқий эга	Мантиқий объект	Н.Хомский / А.Л. Пумпянский [18]

Гапнинг мазкур икки коммуникатив қисмлардан таркиб топиши умумий тилшуносликда “гапнинг актуал бўлиниши” дея аталади. Тилшуносликда гапнинг актуал бўлиниши назарияси учун тадқиқотчилар ўз ёндашувларига кўра турли терминларни таклиф қилишган. Хусусан, И.И.Ковтунова “гапнинг коммуникатив бўлиниши”, “контекстуал бўлиниш”, “гапнинг функционал перспективаси”, “гапнинг коммуникатив перспективаси”, Л.Кун эса шулар билан бир қаторда “гапнинг маъновий бўлиниши” (К.Г.Крушельницкая), “функционал-семантик бўлиниш” (В.С.Юрченко), “логик-грамматик бўлиниш”(А.Л.Пумпянский) каби терминлар ҳам қўлланиб келингани ҳақида маълумот берадилар, чунки бундай бўлиниш фақатгина маълум контекст ифодалаган вазият учунгина актуал ва хосдир [9. Б. 7].

Демак, ҳар қандай гап гапнинг коммуникатив аспекти, яъни актуал бўлиниши кўзда тутилган хабарни етказиш учун сўзловчи танлаган усул бўлиб, гапнинг маълум бўлагини фаоллашуви билан характерлидир. О.Бозоров гапнинг коммуникатив тузилишининг умумий хусусиятларига тўхталар экан, В.А.Белошапкованинг бу масалага оид турли қарашларини маълум даражада умумлаштириб, қуйидаги таъриф орқали ҳаракат қилганлигини таъкидлайди: “...Актуал бўлиниш масаласи билан шуғулланган тадқиқотчилар темага тўхталиб ўтиб, унинг уч хусусиятини қайд этадилар: 1) тема – бу “жумланинг таянч нуқтаси”, “хабарнинг чиқиш нуқтаси”; 2) у ремага нисбатан актуал жиҳатдан камроқ аҳамиятга эга; 3) тема – гапнинг кўпинча аввалги контекстдан англашиладиган маълум қисми”. Тема билан оппозитив муносабатда бўлган рема ҳақида ҳам қуйидагилар қайд этилади: “1) у тема ҳақидаги хабарни ифодалайди; 2) у темага қараганда актуал жиҳатдан муҳимдир; у ўзида хабарнинг асосий мазмунини акс эттириб, гапнинг коммуникатив маркази саналади; 3) рема одатда гапдан англашилган янги хабарга тўғри келади” [19. Б. 20].

Шундай қилиб, гапнинг актуал бўлиниши хусусидаги назариянинг, асосан, икки унсури бор: хабарнинг бошланиш нуқтаси (тема) ва асосий фаол нуқта (рема). Мантиқий урғу ҳар доим асосий нуқтани ифодаловчи сўзга тушади. Рема гапнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, асосий коммуникатив вазифани бажаради, сўзловчи етказмоқчи бўлган ахборотдан иборат бўлади. Шунинг учун ремасиз гап ўз мазмунини йўқотади ва коммуникатив вазифасини бажара олмайди. Тема эса информатив нуқтаи назардан муҳимлик даражаси юқори бўлмаган вазифани бажарса-да, ремага томон силжиб боришни таъминловчи компонентдир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, актуал бўлиниш фақатгина контекст ифодалаган вазият учунгина хос бўлади. Хусусан: “*He bought the car from a collegue”* (У машинани ҳамкасбидан сотиб олди) ҳамда “*he bought a car from the collegue*” (У ҳамкасбидан машина сотиб олди) гапларини олиб қарайдиган бўлсак, уларнинг ҳар иккисида ҳам бир хил моддий информация, бироқ фарқли актуал информация мавжуд. Гапирувчининг мақсади ҳар икки гапда икки хил. Биринчисида асосий фокус (урғу) машинага қаратилган бўлса, иккинчисида шахсга йўналтирилган. Демак, рус тилшуноси Ю.С.Маслов фикри шу ерда ўз тасдиғини топиши мумкин. Яъни, актуал информация моддий информацияни ҳавола этиш воситаси бўлиб, моддий информация актуал информациясиз ўзининг мақсадга йўналганлик хусусиятини йўқотади. Ю.С.Маслов яна таъкидлайдики, сўз тартиби ва интонация актуал бўлинишнинг энг муҳим воситалари ҳисобланади [20. Б. 57]. Бироқ айтиб ўтиш жоизки, эмфатик юкламалар, артикль, аниқ ва мажҳул нисбатнинг алмашиб қўлланилиши ва турли синтактик қурилмалар ҳам тема ва ремани ташкил этувчи муҳим воситалар сирасига киради. Бироқ бу воситалар турли тизимдаги тилларда турли бўёқдорлик билан қўлланилиши масаланинг энг долзарб ва қизиқ томонини ташкил қилади.

Замонамиз тилшунослари тема ва ремани ташкил қилувчи воситаларни турли гуруҳларга ажратишади. Атоқли рус олими, замонавий тилшунослик мактаби вакили В.Б.Касевич тема-рематик муносабатни ифодаловчи қуйидаги тўрт хил усул мавжуд эканлигини таъкидлайди [1. Б. 46]:

1. грамматик
2. лексик
3. фонетик
4. позицонал

Албатта, юқоридаги сингари таснифлар муҳим аҳамиятга эга, бироқ актуал бўлиниш устида изланиш олиб борган кўплаб тилшунослар (И.И.Ковтунова, М.Халлидей, И.П.Распопова ва бошқалар) В.Б.Касевичнинг ўзига хос ёндашувидан фарқли ўлароқ, қуйидаги уч турдаги темани ифодаловчи воситалар таснифини энг ўринли деб қабул қилишган:

1.Фонетик усул. Бунда актуал бўлиниш маълум фонетик воситалар, хусусан, интонация, эмфаза, урғу ва оҳанг орқали ифодаланади. Масалан*: I translated the article - Мақолани мен таржима қилдим; I translated the article – Мен мақолани тар-*

жима қилдим ва ҳ.к.

Кўриниб турибдики, фонетик воситалар турли тизимли тилларда, тил хусусиятларига мувофиқ равишда турли ўрин ва усулларда қўлланилади.

2. Синтактик усул. Сўз тартиби, тўлиқсиз гаплар, такрор, мажҳул нисбат каби воситалар орқали: *Jack congratulated Ann on her birthday – Ann was congratulated on her birthday*, яъни аниқ нисбат шаклидаги *"Жек Аннани туғилган куни билан табриклади"* мажҳул нисбатда берилиши орқали иш-ҳаракат бажарувчиси, яъни агентга эмас, балки тўлдирувчига уни эга тариқасида олиб чиқиш усули билан асосий фокус қаратилмоқда, яъни *"Аннани туғилган куни билан табриклашди".*

3. Лексик-семантик воситалар. Интенсификация (яъни маъно кучайтирувчи сўзлар), инкор шакл ясовчи воситалар, артикль, шунингдек, олмошлар мазкур гуруҳга киради: *Helen neither works nor studies – Хелен на ишлайди, на ўқийди.*

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳар қандай гап ҳам ўзининг тема-рема жуфтлигига эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу масалага тўхталар экан, итальян тилшунос олимаси Мария Изола "Особенности выражения коммуникативных структур в русском языке в сопоставлении с итальянским" номли докторлик диссертациясида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади: кўпчилик тадқиқотчилар фикрига кўра, ҳар бир гап ўзининг тема-рематик структурасига эга бўлиши шарт. Бундай тўлиқ актуал бўлинишга эга гаплар коммуникатив жиҳатдан ажратилган (ғарб тилшунослигида эса "категорик" гаплар) гаплар дея аталади [21. Б. 153]. Бироқ фақат тема ёки ремадан ташкил топган гаплар ҳам борки, уларни коммуникатив жиҳатдан ажралмас гаплар (ёки тетик гаплар) деб аташ мумкин [21. Б. 153 – 185].

Айтиш жоизки, турли тизимдаги тилларда бундай гаплар албатта ўзига хос хусусиятларига эга, хусусан, ўзбек тилда атов гапларга мос келувчи бундай жумлалар тилни иқтисод қилиш натижаси ҳисобланади ёки сўзловчининг эмоционал ҳолатидан келиб чиқади:

Spring. What a wonderful season!
Баҳор. Нақадар ажойиб фасл!
Весна. Какое чудесное время года!

Маълум гап нутқий вазиятга солинар экан, сўзловчининг коммуникатив мақсадидан келиб чиқиб, у ёки бу кўринишда актуаллашиши мумкин. Гапнинг энг муҳим бўлаги интонация ёки сўз тартиби ва бошқа лексик-стилистик воситалар орқали ажратиб кўрсатилади, яъни актуаллаштирилади.

Актуал бўлинишнинг тартиби ҳақида гап кетар экан, Прага тилшунослик мактаби тадқиқотчиларининг изланишларига яна бир тўхталиб ўтиш жоиздир. Улар тўғри тартибдаги актуал бўлинишни нормал, нейтрал ва қатъий (ёки объектив) каби терминлар билан номлаганлар [12. Б. 239 – 245]. Бунда тема ва рема одатий тартибда, хабарнинг темадан ремага томон тўғридан-тўғри силжиб бориши кузатилади, яъни жумла тема билан бошланиб, рема билан тугатилади. Бундай тартибни прогрессив тартиб деб ҳам аташади. Актуал бўлинишнинг тескари тартиби эса В.Матезиус томонидан субъектив тартиб ёки инверсия дея аталган ва воқеликка "эмоционал бўёқдорлик" бериш учун қўлланилиши таъкидланган [9. Б. 11]. Актуал бўлинишнинг бундай тартиби синтактик тартиб билан мос келиши ёки келмаслиги мумкин. И.И.Ковтунова таъкидлайдики, нутқ ва контекстдан ажратилган ва маълум грамматик тартибга эга бўлган жумла, контекст ичида айнан шу нутқий вазият учун хос бўлган қўшимча хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда бошқа бир кўринишдаги, яъни тема ва ремага бўлинган тартиб пайдо бўлиши мумкинки, грамматик тартиб билан бу доим ҳам мос келавермайди [9. Б. 11 – 12]. И.И.Ковтунова берган изоҳга кўра: "Стилистик жиҳатдан нейтрал бўлган қурилманинг тартибий ўзгариши инверсия ҳодисаси билан боғлиқдир" [9. Б. 103]. Тескари тартибда тема ва рема ўрин алмашади, бироқ уларнинг гапдаги функцияси сақланиб қолади. Тўғри ёки тескари тартибдаги актуал бўлиниш сўзловчининг коммуникатив мақсадидан келиб чиқиб танланади. Тингловчига хабарни яна ҳам ишончли тарзда етказиш, нутқ орасида махсус сигналлар бериб ўтиш, хабарнинг муҳим қисмини ажратиб кўрсатиш, эмоционал бўёқдорликни ва экспрессивликни кучайтириш актуаллаштирувчи воситалар орқали амалга оширилувчи мана шундай коммуникатив мақсадлар сирасига киради.

Тема ва рема тушунчаларини турли гап бўлаклари билан муносабатига тўхталар эканмиз, грамматик эга тема вазифасини бажаришда доминант эканлигини, бошқа гап бўлаклари эса деярли бир хил пропорцияда ҳам тема, ҳам рема вазифасини бажара олади, деган хулосага келишимиз мумкин. Бироқ жумланинг актуал бўлиниши универсал тил ҳодисаси бўлса-да, тема ва ремани ифодаловчи воситалар барча тиллар учун универсал ва бир хил даражали бўла олмайди. Масалан, ўзбек, рус тиллари учун рема асосан гап сўнггида келиши характерли бўлса, инглиз тили учун реманинг ифодаланиш позицияси маълум конструкциялар қўлланилиши билан боғлиқ.

Ўзбек ва рус тилларида интонация (просодик воситалар) ва сўз тартиби актуаллашишни ифодаловчи асосий воситалари бўлиб, қолган воситалар мазкур функцияни интонация сояси остида амалга оширадилар.

Инглиз тилида тема ва рема антитезаларини ифодалашда, интонация ва қисман сўз тартиби

ҳам роль ўйнаса-да, кўрсатиш, эгалик, кишилик, белгилаш, гумон олмошлари, теманинг белгилари; ноаниқ артикль, инкор юкламалар, юқори даражадаги семантик юкламалар эса ремани белгиловчи воситалар сифатида ўз доминантлиги билан ажралиб туради.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, гарчи масала борасидаги турли қарашлар мавжуд бўлса-да, актуал тузилиш синтактик тузилишдан фарқли бўлган тушунча бўлиб, актуал тузилиш жумланинг ёхуд матннинг коммуникатив планига оид бўлса, синтактик тузилиш грамматик планга хосдир. Бироқ ҳар иккиси ҳам гап семантикасида муҳим роль ўйнайди ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқликда бўлади. Чунки гап шаклининг ўзгариши гап мазмунидаги, шундан келиб чиққан ҳолда унинг коммуникатив тузилишидаги ўзгаришга олиб келади.

Адабиётлар

1. *Касевич В.Б.* Семантика. Синтаксис. Морфология. – Москва: Наука, 1988. – 320 с.
2. *Богданов В.В.* Семантико-синтаксическая организация предложения. – Ленинград: издательство Ленинградского университета, 1977. – 204 с.
3. *Jack London.* White Fang. Retold by Anna Paluchowska. Poland: Mediasat Poland Bis, 2005. – 88 p.
4. *Jerome K. Jerome.* Three men in a boat. Retold by Ian Edward Transue. Poland: Mediasat Poland Bis, 2005. – 88 p.
5. *Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С.* Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992. – 296 б.
6. *Коневская Е.В.* Категория модальности в английском языке. IV Международная студенческая электронная научная конференция “Студенческий научный форум”. 2012 /https://rae.ru/forum2012/ (Дата последнего посещения: 13.08.18)
7. *Сатиев К.* Аспекты языковой категории модальности. Труды преподавателей. Вестник ИГУ 2011. №30 (1) / http://nbisu.moy.su/_ld/13/1326_IGU_SATIEV_2011.pdf (Дата последнего посещения: 23.08.19)
8. *Зайнуллин М.В.* Модальность как функционально-семантическая категория. – Саратов: издательство Саратовского университетата, 1986. – 123 с.
9. *Ковтунова И.И.* Современный русский язык. Порядок слов и актуальное членение предложения. – Москва: Просвещение, 1976. – 239 с.
10. https:/en.oxforddictionaries.com/definition/theme
11. *Georg Von der Gabelentz.* Die Sprachwissenschaft, ihre Aufgaben, Methoden und bisherigen Ergebnisse. Leipzig: T.O. Weigel Nachfolger 1891. – 502.
12. *Матезиус В.* О так называемом актуальном членении предложения // Пражский лингвистический кружок: Сб. статей. – Москва: Прогресс, 1967. – С. 239 – 245 с.
13. *Halliday, M.A.K.* ‘Notes on transitivity and theme in English, Part 3’. Journal of Linguistics, 1968. – 179 – 215 p.
14. *Балли Ш.* Общая лингвистика и вопросы французкого языка. – Москва: Иностранная литература, 1955. – 416 с.
15. *Кун Л.К* нерешенным вопросам актуального членения / http://docplayer.ru/60893921-K-nereshennym-voprosam-teorii-aktualnogo-chleneniya-l-kun.html (Дата последнего посещения: 23.08.19)
16. *Распопов И.П.* Актуальное членение и коммуникативно-синтаксические типы повествовательных предложений в русском языке // Автореф. дисс. . докт.филол.наук. – Москва, 1964. – 37 с.
17. *Крушельницкая К.Г.* К вопросу о смысловом членении предложения // Вопросы языкознания, 1956. – № 5. – С. 55 – 67.
18. *Chomsky N.* Aspects of the Theory of Syntax.Cambridge: the MIT Press, 1965. – 261 p.
19. *Бозоров О.* Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилиши. Филология фан.номз. диссертацияси. – Фарғона, 2004. – 198 б.
20. *Маслов Ю.С.* Избранные труды. Аспектология. Общее языкознание: Об основных и промежуточных ярусах в структуре языка. – Москва: Языки славянской культуры, 2004. – 840 с.
21. *Kuroda S.Y.* The categorical and the thetic judgment // Foundations of Language, 1972. – Vol. 9. – Pp. 153 – 185.
22. *Katalin É. K.* Pioneering theory of information structure // Budapest: Acta Linguistica Hungarica, 2008. Vol.55 (1–2). – Pp. 23 – 40.
23. *Nada Salih Abdul Ridha.* Theme and rheme. Types and problems in EFL University students` written texts. College of Education for Humanities. University of Basra. – Pp. 94 – 114 p.
24. *Sasse H.J . The* thetic/categorical distinction revisited, «Linguistics», – Vol. 25, Walter de Gruyter, Berlin / New York, 1987. Pp.511 – 580.

THE PROBLEM OF THE SEMANTIC COMPOSITION OF THE SENTENCE

D.Sh.Egamnazarova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 1 (45). 120 – 127.
[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *communicative composition, the actual division of the sentence, theme, rheme, basis, nucleus, psychological subject and predicate, logical stress, intonation, word order, communicative dynamism*

In modern linguistics, the semantics of the sentence is interpreted according to its content and syntactic composition. This article deals with the semantics of the sentence and the importance of the communicative structure in it. The sentence is commonly analyzed in terms of semantics according to three aspects: proposition(or denotative aspect), modality and communicative features. Language primarily carries out the communicative function, which is more important than the other aspects. A certain sentence can be used with different informative shade and carry out different communicative functions, depending on the purpose of the author. As the components of the communicative structure of the sentence, concepts of “theme” and “rheme” are accepted. It should be noted that in the history of linguistics, theme and rheme concepts are not the only accepted terms for the communicative constituents of the sentence: some other different terms have also been suggested by linguists. The combination of these two communicative components is called “actual division of the sentence” in general linguistics. For the theory of the actual division of the sentence, researchers have proposed different terms according to their approach. Particularly, Kovtunova’s “communicative division of speech”, “contextual division”, “functional perspective of the sentence”, “communicative perspective”, L.Kun, along with “logical division of the sentence” (Krushelnitskaya), “functional-semantic division” V.Y.Yurchenko), “logic-grammatical division” (ALPumpyansky)], because this division is actual and inherent only in the context in which the particular context is expressed. [5: 7]

So, the communicative aspect of any sentence, that is the actual division, is a method chosen by the speaker to convey a message that is relevant, and it is characterized by the actualization of certain parts of the sentence.

Thus, the theory of the actual division of the word has two elements: the starting point of the message (the theme) and the main, actual point(the rheme). The logical stress always falls upon the rheme. The rheme fulfils the basic communicative function and carries the message that the speaker wants to convey. Without the rheme, any sentence becomes meaningless and can not carry out its communicative function. While the theme is not as important from informative point of view, it is a component that supports the progress towards the next.

According to the abovesaid, it can be inferred that although there are different views on the issue, the communicative structure of the sentence is quite different from the syntactic composition, and the former is related to the communicative content of the text, and the latter is of grammatical importance. Both of them, however, play an important role in the semantics of the sentence and are inextricably linked to each other.

References

1. Kasevich, V.B. (1988) *Semantika. Sintaksis. Morfologiya* [Semantics. Syntax. Morphology]. Moscow: Nauka.
2. Bogdanov,V.V. (1977) *Semantiko-sintaksicheskaya organizatsiya predlojeniya* [The semantic and syntactic organization of the sentence]. Leningrad: Izdatelstvo Leningradskogo Universiteta.
3. Jack London. (2005) White Fang. Retold by Anna Paluchowska. Mediasat Poland Bis.
4. Jerome, K. Jerome. (2005) Three men in a boat. Retold by Ian Edward Transue. Mediasat Poland Bis.
5. Nurmonov, A., *Mahmudov, N., Ahmedov, A., Solikhojaeva, S.* (1992) *Uzbek tilining mazmuniy sintaksisi* [Contextual syntax of the Uzbek language]. Tashkent: Fan.
6. Konevskaya, Ye.V.(2012) *Kategoriya modalnosti v angliyskom yazyke* [The category of modality in the English language]. IV International Electronic Scientific Conference of students “Student Scientific Forum” 2012 / https://rae.ru/forum2012/ (the date of access: 13.08.18)
7. Satiev, K.(2011) Aspekty yazykovoy kategorii modalnosti. Trudy prepodavateley [Aspects of the linguistic category of modality. Works of teachers]. Vestnik IGU. № 30(1) htt’://nbisu.moy.su/_ld/13/1326_IGU_SATIEV_2011.’df (the date of access: 23.08.19)
8. Zaynullin, M.V.(1986) *Modalnost kak funktsionalno-semanticheskaya kategoriya* [Modality as a functional and semantic category]. Saratov: Izdatelstvo Saratovskogo universiteta.
9. Kovtunova, I.I. (1976) *Sovremenny russkiy yazyk. Poryadok slov i aktualnoe chlenenie predlojeniya* [The Modern Russian Language. Word order and the actual division of the sentence]. Moscow: Prosveshenie.
10. https:/en.oxforddictionaries.com/definition/theme

11. Georg Von der Gabelentz (1891). *Die Sprachwissenschaft, ihre Aufgaben, Methoden und bisherigen Ergebnisse*. Leipzig: T.O. Weigel Nachfolger

12. Matezius, V.(1967) *O tak nazyvaemom aktualnom chlenenii predlojeniya* // Prajskiy lingvisticheskiy krujok: [On the so-called actual division of the sentence // Prague linguistic circle: collection of articles]. Moscow: Progress. Pp. 239 – 245.

13. Halliday, M.A.K.(1968) 'Notes on transitivity and theme in English, Part3'. *Journal of Linguistics* 4.2. Pp.179 – 215.

14. Balli, Sh.(1955) *Obshaya lingvistika i voprosy fransuzkogo yazyka* [General linguistics and questions of the French language]. Moscow: Inostrannaya literatura.

15. Kun, L. *K nereshennym voprosam aktualnogo chleneniya predlojeniya* [To the unsolved questions of the actual division of the sentence] http://docplayer.ru/60893921-K-nereshennym-voprosam-teorii-aktualnogo-chleneniya-l-kun.html (the date of access: 23.08.19)

16. Raspopov, I.P.(1964) *Aktualnoe chlenenie i kommunikativno-sintaksicheskie tipy povestvovatelnyx predlojeniy v russkom yazyke* [The actual division and communicative- syntactic types of nominative sentences in Russian]. Abstract of dissertation for the degree of doctor of Philological Sciences. Ufa.

17. Krushelnitskaya, K.G. (1956) *K voprosu o smyslovom chlenenii predlojeniya* [To the question of semantic division of the sentence]. Voprosy yazykoznaniya. № 5. Pp. 55 – 67.

18. Chomsky, N.(1965) *Aspects of the Theory of Syntax*.Cambridge: the MIT Press.

19. Bozorov, O. (2004) *Uzbek tilida gapning kommunikativ(aktual) tuzilishi* [Communicative (actual) structure of the sentence in the Uzbek language]. The dissertation for the candidate of Philological Sciences. Fergana.

20. Maslov, Yu.S. (2004) *Izbrannye trudy. Aspektologiya. Obosheye yazykoznanie: Ob osnovnyh i promejutochnyh yarusah v strukture yazyka* [Selected works. Aspectology. General Linguistics: On the main and intermediate layers in the structure of the language]. Moscow: Izdatelstvo Slavyanskoy kultury.

21. Kuroda S.Y.(1972) The categorical and the thetic judgment. *Foundations of Language*. Vol. 9. Pp.153 – 185.

22. Katalin É.K. (2008) Pioneering theory of information structure. Budapest: *Acta Linguistica Hungarica,* Vol.55 (1–2). Pp. 23 – 40.

23. Nada Salih Abdul Ridha. (2014) Theme and rheme. Types and problems in EFL University students` written texts. College of Education for Humanities. University of Basra. Pp. 94 – 114.

24. Sasse, H.J.(1987), The thetic/categorical distinction revisited. Berlin: *Linguistics,* Vol. 25. Walter de Gruyter, Berlin/ New York. Pp.511 – 580.

Муаллиф ҳақида маълумотлар.

Эгамназарова Дурдона Шуҳратиллаевна – Андижон давлат университети инглиз тили грамматикаси кафедраси ўқитувчиси. E-mail: durdona-e@mail.ru